

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси бакалаврият ва
магистратурасига қабул қилиш тартиби
тўғрисидаги Низомга 1-илова

Очиқ кейс-чемпионатини ўтказиш тўғрисида

ТАРТИБ

Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 8 июндаги 365-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Тартиб кейс-чемпионат ўтказиш шартлари, тартиби ва қоидаларини белгилайди.

Асосий тушунчалар

3. **Кейс-чемпионат (чемпионат)** – бу мусобақа бўлиб, унда қатнашувчилар жамоавий равишда бизнес муаммоларига (кейсларга) ечим топишади.

4. **Кейс (от англ. case)** – бу реал далилларга асосланган ва бошқарув қарорларини талаб қиладиган муайян муаммоли бизнес-жараён (вазият)ни акс эттирувчи ёки мамлакат, тармоқлар ва компаниялар фаолиятини стратегик ривожлантириш масалаларига қаратилган махсус тайёрланган материал.

5. **Кейс ечими** – бу жамоа томонидан мавжуд вазиятли жараён (кейс)ни ўрганиш, мавжуд ахборотлар ва етишмаган маълумотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилиш асосида бошқа ечимларга нисбатан энг мақбул ечим сифатида таклиф қилинган ечим варианты.

6. **Жамоалар** – мустақил равишда 5 (беш) кишидан иборат тузилган ва чемпионат ташкилотчисига жамоа таркиби ҳақида белгиланган муддатда хабар берган иштирокчилардир. Агар иштирокчилар жамоалар тузишмаган ва бу ҳақда ташкилотчига хабар беришмаган бўлсалар, у ҳолда улар иштирокчилар рўйхатидан келиб чиққан ҳолда автоматик равишда алфавит кетма-кетлигида жамоалар сифатида шаклланадилар.

7. **Жамоалар видео-тақдимоти** – ҳар бир жамоа аъзосининг ўзи ҳақидаги ва кейс-чемпионат танлови мотивацияси (рағбати)ни ифодаловчи 2 (икки) дақиқагача давом этадиган жамоаларнинг эркин креатив шаклдаги қисқача аудиовизуал тақдимоти.

8. **Кейс-чемпионат ташкилотчиси** (Ташкилий қўмита) – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси (кейинги ўринларда – Академия).

9. **Кадрлар буюртмачилари** – ўзларининг бизнес муаммоларини ҳал қилиш ва истеъдодли кадрларни танлаш учун кейс-чемпионатда иштирок этишга қарор қилган йирик компаниялар, банклар ва бошқа корхоналар.

10. **Ҳакамлар ҳайъати** – кейс-чемпионатда қатнашадиган буюртмачи кадрлар вакиллари ҳамда Банк-молия академиясининг ушбу мусобақани ўтказиш комиссияси вакилларида таркиб топади. Ҳакамлар ҳайъати кейс ечимлари натижаларини баҳолайди.

Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

11. Очиқ кейс-чемпионатида ёши, мутахассислиги ва иш тажрибасидан қатъий назар ҳамда ҳеч қандай камситиш аломатларисиз барча ҳоҳловчилар иштирок этишлари мумкин.

12. Чемпионат уч тилда ўтказилади. Кейс-чемпионатида иштирок этиш ҳоҳишини билдирган талабгорлар ўзбек, рус ёки инглиз тилларини билишлари шарт.

13. Кейс-чемпионатида иштирок этиш ҳоҳишини билдирган талабгорлар видеокамера билан жиҳозланган ва интернет тармоғига уланган компьютер техника воситаларига эга бўлишлари керак. Чемпионатда иштирок этиш, тақдимотни тайёрлаш, видеоролик яратиш ва ҳакамлар ҳайъатига тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатлар иштирокчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

14. Тақдимотни тайёрлаш учун жамоалар ўзларининг шахсий компьютерлари ва уларни қувватловчи воситаларга эга бўлишлари ҳамда тақдимотни яратиш учун зарур бўладиган барча дастурий воситаларни мустақил таъминлашлари керак.

15. Кейслар жамоалар томонидан мустақил ечилиши керак.

Ариза бериш

16. Рўйхатдан ўтиш учун номзодлар Академия веб-сайтида онлайн шаклдаги анкетани тўлдирадilar.

17. Иштирокчи рўйхатдан ўтиш шаклида кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва аниқлиги учун шахсан жавобгардир. Рўйхатдан ўтишда нотўғри тўлдирилган, тўлиқ бўлмаган маълумотлар ёки масофадан рўйхатдан ўтишда юзага келадиган техник муаммолар билан боғлиқ даъволар рўйхатга олиш тугаганидан кейин Ташкилий қўмита томонидан қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

18. Академия веб-сайтида анкета-сўровномани тўлдирган номзод ижтимоий тармоқдаги гуруҳга ҳаволани олади, ва у ерда 5 кишидан иборат жамоа тузишда мустақил иштирок этади. Кейс-чемпионати Ташкилий қўмитаси иштирокчиларни жамоалар сифатида шакллантиришга ёрдам кўрсатиши ва кейс-чемпионатни тайёрлов босқичларни ўтказиши мумкин.

19. Жамоаларни рўйхатга олиш иккинчи босқичда иштирокчиларга Ташкилий қўмита томонидан юборилган ахборот хатида кўрсатилган ҳавола орқали амалга оширилади. Жамоа тарқалиб кетган, ёки таркиби ўзгарган тақдирда жамоа раҳбари бу ҳақда Ташкилий қўмитани хабардор қилиши керак. Жамоа қайта ташкил этилиши ва қайта рўйхатдан ўтиши мумкин.

20. Жамоа номи мазмунли, иккиламчи маъноларга эга бўлмаган, енгил талаффуз қилинадиган бўлиши керак.

21. Ҳар бир жамоа аъзоси рўйхатдан ўтиш вақтида Ташкилий қўмига жамоанинг тегишли аъзоси, шу жумладан вояга етмаган гуруҳ аъзосининг қонуний вакили томонидан тасдиқланган шахсий маълумотларини қайта ишлашга розилик беради. Ушбу ҳужжат намунаси кейс-чемпионат саҳифасида эълон қилинади. Иштирокчилар намунага мувофиқ ҳужжатни тўлдиришлари, имзолашлари ва Ташкилий қўмига юборишлари керак.

22. Рўйхатдан ўтиш ҳаракатини амалга оширган кейс-чемпионат иштирокчиси ушбу ҳаракати билан мазкур Тартиб талаблари билан танишганлигини тасдиқлайди ва Тартиб талабларини бажариш мажбуриятини олади.

Чемпионатни ўтказиш

23. Шаклланган жамоалар Ташкилий қўмитанинг ахборот хатида кўрсатилган ҳаволадан фойдаланган ҳолда тегишли шаклни тўлдирадilar.

24. Жамоалар шакллангандан кейин 24 соат ичида видео-тақдимоти яратилади ва ижтимоий тармоқдаги махсус гуруҳга жойлаштирилади. Жамоалар видео- тақдимоти учун баллар ҳисобланмайди.

25. Кейслар бериладиган кунга қадар тайёргарлик босқичлари жараёнида Ташкилий қўмига жамоаларга топшириқлар бериши мумкин. Топшириқларни бажариш ихтиёрийдир, ҳар бир бажарилган топшириқ учун жамоа якуний балга нисбатан қўшимча 5% олади.

Масалан: Якуний балл 50 балл +15% (қўшимча учта бажарилган топшириқ учун) = 57,5 балл.

Қўшимча топшириқлар учун баллар ижтимоий тармоқдаги Кейс-чемпионатнинг махсус гуруҳида ўз ишининг натижаларини чемпионат Турида қатнашиш учун ариза бергунга қадар эълон қилган жамоаларга ҳисобланади.

26. Жамоа қайта ташкил қилинган тақдирда қўшимча балл бекор қилинади ва жамоа ўзининг видео-тақдимотини қайта тайёрлаши керак.

27. Жамоалар Академия томонидан тасдиқланган бизнес-кейсларга йўлланма оладилар. Чемпионат давомида кейслар бир неча турларда берилади. Жамоалар кейс-чемпионатнинг фақат битта турида иштирок этиши мумкин.

28. Жамоалар бизнес-кейсларни танлаб олишади ва мустақил равишда 7 кун ичида маълумотларни тўплаб, таҳлил қилишади ва ўз ечимлари бўйича видео тақдимотни тайёрлайдилар.

29. Кейслар мураккаблиги жиҳатидан фарқ қилади, жамоа ҳал қилиш учун бир ёки бир нечта кейсни танлаши мумкин:

Биринчи даражали мураккабликдаги кейслар 0,3 камайтириш коэффициентига эга (мисол: Баҳо 100 балл – $(100 \cdot 0,3) = 70$ якуний балл);

Иккинчи даражали мураккабликдаги кейслар 0,2 камайтириш коэффициентига эга (мисол: Баҳо 100 балл – $(100 \cdot 0,2) = 80$ якуний балл);

Учинчи даражали мураккабликдаги кейслар камайтириш коэффициентига эга эмас (мисол: Баҳо 100 балл = 100 якуний балл).

Бир нечта кейсларни олган жамоанинг умумий бали ўрта-арифметик ҳисоблаш усули бўйича ҳисобланади.

30. Кейс ечимлари максимал 100 балл билан баҳоланади. Жамоа аъзолари бир хил балл олишади, 55 балдан юқори балл тўплаган жамоалар кейс-чемпионат ғолиби ҳисобландилар. Ташкилий кўмита энг юқори балл олган оргинал ва яхши лойиҳаларни рағбатлантириш мақсадида алоҳида номинациялар белгилаши мумкин.

31. Баҳолаш 10 та бир хил аҳамиятдаги кўрсаткичлар билан баҳоланади (1 дан 10 гача, бу ерда 10 энг максимал баҳо ҳисобланади).

1. таклиф этилган тадқиқот/диагностика усулларининг сони;
2. усулларнинг кейс вазифаларига мослиги;
3. таҳлилнинг кенглиги;
4. ғоянинг долзарблиги;
5. ечимнинг тузилиши ва мантиқий уйғунлиги;
6. ечимнинг ўзига хослиги/инновационлиги;
7. лойиҳанинг амалий аҳамияти ва уни амалга ошириш имконияти;
8. алгоритм мавжудлиги ва илмий асосланганлиги;
9. тақдимот ва тасвирий материалларнинг сифати;
10. жамоа бўлиб ишлаш.

32. Жамоаларнинг видео тақдимотлари кадрлар буюртмачилари (потенциал иш берувчилар) билан келишилган ва Академия томонидан тайинладиган Ҳакамлар (мустақил экспертлар) томонидан баҳоланади. Баҳолаш натижаларига кўра, кейс-чемпионат ғолиблари аниқланади.

33. Баҳолаш Ҳакамлар томонидан индивидуал равишда Ташкилий кўмита томонидан тасдиқланган услубиётга кўра амалга оширилади. Ташкилий кўмита ҳеч қандай ўзгартиришлар киритмаган ҳолда баҳоларни йиғади, умумлаштиради ва ўртача бални кўрсатади. Кейс-чемпионат Ҳакамларининг баҳолари изоҳланмайди.

34. Агар Ҳакам жамоа аъзоларига алоқадор шахс бўлса, у ҳолда Ҳакам баҳолашдан бош тортиши шарт.

Лойиҳаларга қўйиладиган талаблар

35. Жамоа 2 дақиқа давом этадиган видео тақдимот ва асослантирилган кейс ечимининг таҳлилий ҳисоботини тайёрлаши керак. Ҳисоботнинг сўнгги саҳифаси ҳар бир жамоа иштирокчисининг фотосурати ва у ҳақидаги қисқача маълумотларни ўз ичига олиши керак.

36. Кўчирма материаллардан фойдаланилганда манбаларга ҳаволалар кўрсатилиши керак. Чемпионат ташкилотчилари жамоаларнинг плагиат ҳолатларига ёки бошқа муаллифлар интеллектуал мулкидан фойдаланишга йўл қўйганликлари

аниқланганда уларни чемпионат ўтказиш давомида ёки у якунлангандан кейин чемпионат иштирокчилари сафидан чиқариш ҳуқуқига эгадир.

37. Кейс-чемпионат ғолиблари Сертификатлар билан тақдирланадилар. Чемпионат ташкилотчилари ва ҳомийлар ғолиб жамоалар ва иштирокчиларни тақдирлаш учун мукофотлар ажратишлари мумкин.

38. Академияда ўқишни истаган чемпионат ғолиблари тест ва суҳбатга таклиф қилинадилар. Академияга қабул қилиш ва кўчириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” АЖ томонидан 2020 йил 9 июлда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига кўп босқичли танлов асосида иқтидорли талабаларни танлаб олиш тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Чемпионат натижаларини расмийлаштириш

39. Ташкилий қўмита чемпионат натижаларини баённома билан расмийлаштиради ва Ҳақамлар ҳайъати аъзолари томонидан баҳолаш якунланганидан сўнг 24 соат ичида ўз веб-сайти орқали ғолиблар ва совриндорларни эълон қилади.

40. Мазкур Тартибга очиқ чемпионатни ўтказиш билан боғлиқ вазиятлардан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Ушбу Тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар Академия ректори томонидан киритилади ва Академия Кенгаши томонидан тасдиқланади.